

**ЎЗБЕКИСТОН ЖУРНАЛИСТИКА ВА ОММАВИЙ
КОММУНИКАЦИЯЛАР УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖА БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2019.Fil.14.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН ЖУРНАЛИСТИКА ВА ОММАВИЙ
КОММУНИКАЦИЯЛАР УНИВЕРСИТЕТИ**

ҚУЛМУРАДОВА ОДИНАХОН АБДУҒАФФАР ҚИЗИ

**ТЕЛЕВИДЕНИЕДА ДИАЛОГИК ЖАНРЛАРНИНГ ЗАМОНАВИЙ
МОДИФИКАЦИЯСИ**

10.00.09 – Журналистика (филология фанлари)

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2023

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
филологическим наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
philological sciences**

Қулмурадова Одинахон Абдуғаффар қизи
Телевидениеда диалогик жанрларнинг замонавий
модификацияси.....5

Қулмурадова Одинахон Абдуғаффар қизи
Современная модификация диалогических жанров
на телевидении.22

Modern modification of dialogical genres in television
Qulmuradova Odinakhon Abdugaffar qizi
.....42

Эълон қилинган ишлар рўйхати
Список опубликованных работ
List of published works47

**ЎЗБЕКИСТОН ЖУРНАЛИСТИКА ВА ОММАВИЙ
КОММУНИКАЦИЯЛАР УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2019.Fil.14.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН ЖУРНАЛИСТИКА ВА ОММАВИЙ
КОММУНИКАЦИЯЛАР УНИВЕРСИТЕТИ**

ҚУЛМУРАДОВА ОДИНАХОН АБДУҒАФФОР ҚИЗИ

**ТЕЛЕВИДЕНИЕДА ДИАЛОГИК ЖАНРЛАРНИНГ ЗАМОНАВИЙ
МОДИФИКАЦИЯСИ**

10.00.09 – Журналистика (филология фанлари)

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2023

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертация мавзуси Олий аттестация комиссиясида В2019.3.PhD/Fil915 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.uzjoku.uz) ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Тошпўлатова Назира Қурбоновна
филология фанлари номзоди, профессор

Расмий оппонентлар:

Ёқутхон Маматова,
филология фанлари доктори, профессор

Азиза Ҳалилова,
филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Етакчи ташкилот:

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети ҳузуридаги илмий даража берувчи PhD.03/30.12.2019.Fil.14.01 рақамли Илмий кенгашининг 2023 йил «___» _____ соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100017, Тошкент шаҳри, Марказ – 5, 88-уй. Тел.: (99871) 207-09-06. e-mail: journalism.univer@gmail.com).

Диссертация билан Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. (Манзил: 100017, Тошкент шаҳри, Марказ-5, 88-уй.Тел.: (99871) 207-09-06. e-mail: journalism.univer@gmail.com).

Диссертация автореферати 2023 йил «___» _____ кун тарқатилди.
(2023 йил «___» _____ даги ___ рақамли реестр баённомаси)

Ф.А.Мўминов

Илмий даража берувчи илмий кенгаш
раиси, ф.ф.д., профессор

Н.Муратова

Илмий даража берувчи Илмий кенгаш
илмий котиби, ф.ф.н., доцент

Қ.Т.Ирназаров

Илмий даража берувчи Илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси,
т.ф.д., профессор

КИРИШ

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жамиятнинг мулоқотга ҳамиша эҳтиёжи катта бўлган. Айниқса, ҳозирги шароитда бу янада кучли сезилмоқда. Ахборот оқимининг ортиб бориши, фуқароларнинг журналистлар билан тенгма-тенг мулоқотга киришишлари замонавий журналистикада интерактивлик ҳодисасининг юзага келиши ва тобора кучайишига олиб келди. Натижада “ахборот тезкорлиги” тушунчаси замонавий журналистика тараққиёт тамойилларининг етакчи хусусиятларидан бирига айланди. Рақамли технологиялар ва коммуникациялар ривожланиши жараёнида ахборот истеъмолчиларининг эҳтиёжлари ҳам тубдан ўзгарди.

Дунёда рақамли технологияларнинг ривожланиши туфайли ОАВ билан аудитория ўртасида икки томонлама, ўзаро тенг муносабат юзага келди. Хусусан, телевидение орқали намоёниш этилаётган кўрсатувлар, радиоэшиттиришларда аудитория билан тўғридан-тўғри мулоқотга киришилади. Бу эса бевосита ОАВ контентида ўзгаришлар юз беришига, журналистика жанрларининг шаклига, табиатига ҳам таъсир этмасдан қолмади. Мазкур жараён, айниқса, ахборот жанрлари ривожидида яққол намоён бўлмоқда. Биргина интервьюга анъанавий журналистикада ҳам мустақил жанр, ҳам ахборот олиш усули сифатида қаралган бўлса, эндиликда асосини мулоқот ташкил қиладиган диалогик жанрлар тизими пайдо бўлдики, бу тизимни ўрганиш мазкур диссертация ишининг долзарблигини белгилайди.

Мамлакатимизда нодавлат телеканалларнинг кўпайиши ахборот бозорида давлат телеканаллари билан соғлом рақобат муҳитини яратиш, ахборот маконини фойдали ва мазмунли дастурлар билан бойитиш имконини берди. Бу жараёнлар Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев томонидан ҳозирги миллий тараққиётимиз учун ниҳоятда долзарб ҳисобланган янги ғоявий тамойиллар борасидаги фикрларини келтириб ўтиш жоиз: “Биз кўп йиллар давомида амал қилиб келинган “давлат — жамият — инсон” тамойилини ўзгартирдик. Мамлакатимизда аввало, инсон, кейин эса жамият ва давлат манфаати барча ҳаракатларимизнинг негизига қўйилди, ҳаётимизда “Давлат — инсонлар учун” деган халқчил ғоя изчиллик билан қарор топиб бормоқда”¹.

2017 йил – “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари” йили деб номланишининг замирида ҳам давлатнинг халққа яқинлашиши мақсад қилинган. Мамлакат раҳбари Олий Мажлисга Мурожаатномасида таъкидлаганидек, бу тизимнинг асоси бўлган Халқ қабулхоналари ва фуқароларнинг мурожаатлари билан ишлаш ўзига хос демократик институти сифатида амалда ўзини оқлади². Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш Ҳаракатлар стратегиясининг Давлат ва жамият қурилиши тизимини тубдан ислоҳ қилишга бағишланган биринчи устувор йўналишида ҳам давлатни марказдан бошқарув тизимини бекор қилиш,

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон либерал демократик партиясининг X съездида Янги Ўзбекистон стратегиясининг асосий йўналишлари бўйича сайловолди дастури маърузасидан. <https://uza.uz.uz/posts/>

² Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси <https://ach.gov.uz/uz/lists/view/54>

фуқаролар ўзини-ўзи бошқарувини йўлга қўйиш, халқ билан мулоқот ўрнатиш вазифаси белгилаб қўйилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 17 декабрдаги Ф-4760 сонли “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили” давлат дастурини ишлаб чиқиш ва амалга оширишнинг ташкилий чора-тадбирлари тўғрисида, 2021 йил 4 мартдаги ПФ-6181-сон “2021 — 2025 йилларда фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони, 2021 йил 18 ноябрдаги ПҚ-18-сон “Тошкент вилояти телерадиоканалини ташкил этиш тўғрисида”ги Қарори, 11 июль 2019 йилдаги “O’zbekiston tarixi” телеканалини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4390-сон Қарори ҳамда соҳага доир бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу тадқиқот муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожининг: I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари”нинг устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Мулоқот борасидаги замонавий тадқиқотлар M.Buber, G.Gadamer, M.Schudson, H.Harmoen, S.Steensen, O.Soffer, K.Krasniy, Y.Habermas, S.Donninghaus, R.Marzari³ сингари Ғарб олимларининг ишларида кўзга ташланади. Хорижлик тадқиқотчилар асосан диалогни журналистика тараққиётида муҳим ўрин тутганини қайд этади.

Тилшуносликда диалогик жанрларни нутқ жанрлари тизимида таснифлаш масаласи М.Бахтин, Т.В. Шмелева, Н.Д. Арутюнова, В.В. Дементьев, Л.Дускаева, Ю.Кантор, Ю.Чайкин, Л.Месяняшина⁴ каби олимлар томонидан атрофлича

³ Лифинцева Т. П. «Философия диалога Мартина Бубера». [electronic source] cite: philosophy1.narod.ru URL: <http://www.philosophy1.narod.ru/www/html/iphras/library/lifinceva.html/> (Дата обращение: 17:29/ 07.07.2019); Fairfield, Paul (ed.), 2012 Education, Dialogue and Hermeneutics, London: Bloomsbury.; Schudson, Michael. "The Objectivity Norm in American Journalism." Journalism. 2001. S. 2(2)., Hornmoen, Steen Steensen. 2014. Oslo metropolitan university. Dialogue as a journalistic ideal. URL: https://www.researchgate.net/publication/265390159_Dialogue_as_a_Journalistic_Ideal (Application time: 2.12.2020.); Oren Soffer The Open University of Israel. The competing ideals of objectivity and dialogue in American journalism. Journalism. 2009. URL: <http://www.sagepub.co.uk/journalsPermissions.nav> Vol. 10(4): (Application time: 2.12.2020.); Karen a. Krasny. 2002. Dialogic spaces: Bakhtin's social theory of utterance in reader response Department of Curriculum, Teaching, and Learning Faculty of Education University of Manitoba. Canada.; Habermas, Jurgen. 1984. The Theory of Communicative Action. Vol.1: Reason and the Rationalization of Society. Translated by T. McCarthy, London: Heinemann.; Donninghaus. Sprechact und Kommunikationsgenre (Theoretische Aspekte der sprachlicher Interaktion)//Boettger K. Beitrage der Europaeischen Slavistischen Linguistik (POLISLAV) /K. Boettger, S.Donninghaus. R.Marzari. Muenchen, 2001.

⁴ Бахтин, М. М. Проблема речевых жанров // Бахтин, М. М. Эстетика словесного творчества. М.: Искусство, 1986.; Шмелева, Т. В. Модель речевого жанра // Жанры речи. – Саратов.:1997.; Арутюнова, Н. Д. Жанры общения // Человеческий фактор в языке. Коммуникация, модальность, дейксис: коллектив. моногр. М.: Наука, 1992.; Дементьев, В. В. Изучение речевых жанров в России: аспект формализации социального взаимодействия // Антология речевых жанров: коллектив. моногр. - М.: Лабиринт, 2007.; Дускаева, Л. Р. Диалогичность современных газетных текстов в аспекте речевых жанров. – Пермь: Изд-во Перм. ун-та, 2003.; Кантор. Ю.З. Диалогический текст интервью в коммуникативном аспекте: На материале современных российских газет.

ўрганилган. Нутқ жанрлари тўғрисидаги дастлабки илмий-назарий қарашлар М.Бахтиннинг тадқиқотида учрайди. Унинг ишини кейинчалик шогирдлари давом эттириб, мазкур тушунчанинг назарий асосларини мустаҳкамлашган.

Диалогик жанрларнинг классик кўриниши сифатида интервью назарий жиҳатдан фақат ахборий жанрлар таркибида ўрганилган. Рус тадқиқотчилари А.А. Тертычный, Л.Е. Кройчик, С. М. Гуревич, Г.В. Лазутина, С.С. Распопова, М.Н. Ким, С.Н. Ильченко, Г.С. Мельник, М.Лукина, Е.Е. Криницын⁵ сингари олимлар томонидан интервьюнинг бошқа жанрлар билан алоқаси, қоришуви таҳлил қилинган. Шунингдек, хорижда ток-шоу, суҳбат, интервью каби интерактив жанрлар бўйича қатор илмий тадқиқотлар олиб борилган. Тадқиқотчилар орасида телевидение назарияси, жанрлари бўйича етакчи мутахассислар Г.В. Кузнецов, С.А. Муратов, В.Л. Цвик, А.Я. Юровский⁶ ва бошқалар илмий иш олиб боришган. Бу асарлар ўзбек тележурналистикаси жанрлари шаклланишида асос бўлиб хизмат қилган.

Миллий тадқиқотларда диалогик жанрлар эмас, асосан тележурналистика жанрлари умумлаштириб ўрганилган. Ўзбек журналистикасида М.Худойкулов, Я.Маматова, Н.Қосимова, Ҳ.Саидов, Н.Тўхлиева, Н.Тошпўлатова, П.Алламбергенова, И.Раҳматуллаева, А.Каримов ва Ю.Ортиқовалар⁷нинг тадқиқотларида фақат интервью ва суҳбат анъанавий (классик) журналистика жанрлари таркибида умумий тарзда тадқиқ этилган. Таъкидлаш жоизки, диалогик жанрларнинг ахборий ва таҳлилий жанрлар таркибидан алоҳида туркумланиши, уларнинг анъанавий ТВ ва интернет муҳитидаги замонавий модификацияси ҳали ўрганилмаган. Мазкур диссертацияда диалогик жанрлар биринчи марта телевидение мисолида жанрлар туркуми сифатида яхлит ўрганилди.

Автореферат кан.дис.ф.н. 2001.; Чайкин Ю. Диалогичность и монологичность газетных жанров. <https://proza.ru/2014/11/06/1688/> (Дата обращение: 12.02.2019.); Месеняшина Л.А. Диалогический жанр? Вестник Челябинского государственного университета. 2010. №22(203) Филология. Искусствоведение. Вып. 46.

⁵ Тертычный А. А. Жанры периодической печати. Учебное пособие. М.: Аспект Пресс, 2000.; Кройчик Л.Е. Система журналистских жанров// Основы творческой деятельности журналиста/ под ред. С.Г. Корконосенко. – СПб., 2000.; Гуревич С.М. Газета вчера, сегодня, завтра. - М., Аспект Пресс, 2004.; Лазутина Г.В., Распопова С.С. Жанры журналистского творчества. -М., Аспект Пресс, 2011.; Ким. М.Н. Жанры печатных и электронных СМИ. Учебник для вузов. – итер.:2019. URL: https://kartaslov.ru/m_n_ким_жанры_печатных_и_электронных_СМИ/2. (Дата обращение: 12.02.2019.); Ильченко С.Н. Интервью в журналистике как это делается? Учебное пособие. - Санкт-петербург. 2016.; Мельник Г. С. Общение в журналистике секреты мастерства. 2-е изд., перераб. - СПб.: Питер, 2008.; Лукина М.М. Технология интервью. -М.,Аспект Пресс, 2003.; Криницын Е.Е. Акулы интервью. -М., Альпина паблишерз, 2010.

⁶ Кузнецов Г.В. Журналист на экране. М.:Искусство,1985. ТВ журналистика: критерии профессионализма: - М.:изд.РИП-холдинг.2002.; Муратов С.А. Телевизионная общение.Диалог. -М.:Искусство,1983.; Цвик В.Л. Телевидение: системные характеристики. -М.:МГУ, 1999. Юровский А.Я. Телевидение: поиски и решение. -М.: Искусство, 1983. Телевизионная журналистика. Учебник. Редколлегия: Г.В. Кузнецов, В.Л.Цвик, А.Я.Юровский. - М.:МГУ.1998.

⁷ Худойкулов М. Журналистика ва публицистика. Қайта ишланган ва тўлдирилган нашр. – Т., Тафаккур, 2011.; Саидов Ҳ., Тўхлиева Н. Репортёрлик маҳорати.Ўқув қўлланма. – Т., Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2008. Маматова Ё.М.Қосимова Н.С.Масс-медиада шарҳ. Ўқув қўлланма. Юнеско шафелигила чоп этилган. – Тошкент. 2022.; Тошпўлатова Н.Таҳлилий журналистика. Ўқув қўлланма –Т.,Баёз. 2019.; Аллаамбергенова П. Тележуналистика асослари. – Т., Янги аср авлоди. 2014.; Раҳматуллаева И. Телевидение ва ёшлар: кеча ва бугун. -Т.: Янги аср авлоди, 2005.; Каримов А. Телевидениенинг рекреатив вазифаси (ток-шоулар асосида). Филология фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати. - Т. ЎзДЖТУ. 2012.; Артиқова Ю. Ўзбекистон радиосида интерактивлик: тамойиллар, усуллар, эфирда ишлаш воситалари. Филология фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати. – Т.: ЎЗМУ, 2009.

Тадқиқот мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.

Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ “Масс-медиа назариялари, тарихи ва истиқболининг долзарб муаммолари” мавзусидаги истиқболли илмий-тадқиқотлар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади замонавий журналистикада диалогик жанрларни илмий-назарий муаммо сифатида аниқлаш, уларнинг ривожланиш тенденциялари ва тамойиллари, ахборотни тезкор ва холис етказишдаги ўрни ва аҳамиятини, рақамлашув шароитида электрон ОАВда қай тарзда ўзгариши, модификацияланишини очиқ беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

диалогик жанр тушунчасига таъриф бериш, миллий журналистика тизимида диалогик жанрлар тадқиқи ва ривожланиш босқичларини таснифлаш, мазкур жанрлар гуруҳи (интервью, суҳбат, ток-шоу, дебат)га хос бўлган умумий хусусиятларни ишлаб чиқиш;

миллий журналистикадаги таниқли журналистларнинг мазкур жанрлардаги касбий тажрибаларини илмий-назарий таҳлил этиш, замонавий телевидениедаги диалогик жанрларни таснифлаш;

диалогик жанрдаги муаллифлик кўрсатувларида мавзу, журналистик ёндашув, тил, услуб, маҳорат масалаларини миллий теледастурлар орқали таҳлилга тортиш;

диалогик жанрларнинг онлайн тележурналистикадаги ўрни ва замонавий кўринишларини таққослаш асосида унга илмий ёндашувни ишлаб чиқиш.

Тадқиқот объекти Ўзбекистон давлат (“O’zbekiston” “O’zbekiston 24”, “Madaniyat va ma’rifat”, “Yoshlar”, “O’zbekiston tarixi”) ва нодавлат (“Sevimli”, “Mening yurtim”, “Zo’r tv”, “Uzreport”) телеканалларда диалогик жанрлар (суҳбат, интервью, ток-шоу, дебат)га оид кўрсатувлар, онлайн телевидение: YouTube платформасидаги видеоконтент (журналистик лойиҳалар) олинди.

Тадқиқот предметини диалогик жанрларнинг илмий-назарий талаблар, қонуниятлар, специфик хусусиятлар, услуб ва қоидалар ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда тарихий, қиёслаш, кузатиш, социологик сўров, мантикий-экспериментал, анъанавий таҳлил, мониторинг, сўровнома, кластер методларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

анъанавий медианинг ахборий ва таҳлилий жанрларидан ажралиб чиққан диалогик жанрлар замонавий медиа талаблари асосида ушбу жанрлар гуруҳига хос бўлган ахборот манбаси фикрига таянилиши, мулоқотда сўзлашув услубининг устунлик қилиши, икки ва ундан ортиқ коммуникация субъектларининг ўзаро ахборот алмашинув жараёнида ахборотни 3-шахс, аудиторияга етказилиши, бошқа жанрларга мослашишнинг умумий хусусиятлари аниқланган;

диалогик жанрларнинг илмий-фалсафий асослари диалог ҳодисасининг нутқ, матн, унсур, усул ҳамда жанр сифатида намоён бўлишидаги ривожланиш

иерархияси каби умумий ҳамда медиа муҳитда диалоглашув ҳодисасининг жанр сифатидаги кўринишлари ривожланишининг кучайиши сингари ўзига хос жиҳатлари, диалогик жанрларнинг замонавий рақамли медиа муҳитга қисқа фурсатда мослашиш жараёнлари далилланган;

миллий масс-медада маҳаллий аудитория билан фаол мулоқот ўрнатишга хизмат қилувчи диалогик жанрлар туркуми ишлаб чиқилиб, унинг таркибига интервью, суҳбат, ток-шоу, дебат сингари жанрлар кириши, медиа контент яратишда мазкур жанрлар композицион жиҳатдан бир-бирига яқин бўлишига қарамай, диалогик, лингво-стилистик ва интерактивлик хусусиятлари билан ажралиб туриши аниқланган;

ТВ амалиётида диалогик жанрлар шакли ва табиатидаги модификацион ўзгаришлар, хусусан, мулоқотнинг умумий қонуниятларига бўйсунувчи, конвергенция жараёнларининг диалогик жанрларга таъсири натижасида пайдо бўлган интервью-очерк, интервью-эссе, интервью-шарҳ сингари замонавий жанр моделларининг янгича талқинлари шакллангани асосланиб, уларнинг анъанавий жанрлар билан трансформациялашув жараёни, монолог, диалог, полилог сингари нутқ турларидан фойдаланишда ролларнинг алмашиши, мазкур жанрларда савол-жавоб қатъий қоида эмаслиги исботланган;

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

жаҳон журналистикасида диалогик жанрларнинг илмий-назарий тадқиқи, тарихий шаклланиш босқичлари ижтимоий фанлар кесимида таҳлил этилиб, янги йўналишлар далилланди;

диалогнинг жанр сифатида ривожланиш иерархияси тавсифланган; диалогик жанр тушунчасига илмий таъриф берилиб, замонавий телевидениеда диалогик жанрлар янгича талқинда таснифланган;

медиаконвергенция шароитида диалогик жанрларнинг ривожланиш тенденцияси, замонавий медиа муҳитда ушбу жанрларнинг конвергент (*интервью-очерк, интервью-эссе, интервью-шарҳ*), гибрид (*стрим*) шакллари пайдо бўлаётгани далилланди;

диалогик жанрларда ижод қилувчи тележурналистларнинг мавзу ва муаммоларни кўтариб чиқиши, тил ва услубдан фойдаланиши, мулоқот жараёнидаги коммуникаторлик маҳорати каби хусусиятлар давлат ва нодавлат телеканаллари журналистлари телекўрсатувлари мисолида асосланди.

журналистик жанрларнинг специфик, интерактив, коммуникатив ва модификацион хусусиятларидан келиб чиқиб, интервью жанрининг янги шакл турлари: интервью-лавҳа, виртуал интервью, блиц интервью, мобил интервью, иллюстратив интервью бўйича илмий-назарий асослар ишлаб чиқилди.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда фойдаланилган назарий маълумотларнинг илмий адабиётлардан олингани, илмий таҳлилга тортилган босма нашрлар, телеканаллар ва интернет сайтлари, онлайн ОАВ фаолиятини таҳлил қилишда, жаҳон тажрибасини ўрганишда интернет манбаларидан фойдаланилгани, таҳлиллар, илмий-амалий характердаги хулосаларнинг таснифий, қиёсий методлар билан асослангани, илмий фикр ва таклифларнинг

амалиётда кенг қўлланилгани, уларнинг тегишли ташкилотлар томонидан тасдиқлангани билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, технологиялар таъсирида замонавий публицистикада шакл ва мазмун хусусиятларининг ўзгариши жараёнида диалогик жанрлар туркумининг пайдо бўлиши, янги давр замонавий журналист олдида янги вазифаларни қўяётгани тўғрисидаги фикрлар билан тўлдирилгани, миллий тележурналистикамизни такомиллаштиришга оид илмий-тадқиқот ишларини олиб боришда ва амалиётда улардан кенг фойдаланиш имконини беради.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, унда олинган хулосалардан “Матбуотда интервью ва репортаж”, “Янгиликлар журналистикаси ва репортёрлик маҳорати”, “Журналистик ижод маҳорати асослари”, “Телеканалларнинг интернетдаги фаолияти”, “Телевидение тили ва услуги” фанларини ва махсус курсларни ўқитишда, ўқув-услубий қўлланмалар, дарсликлар яратишда ҳамда семинар-тренинглар ташкил этишда амалий манба сифатида фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.

Телевидениеда диалогик жанрларнинг замонавий модификацияси мавзусининг ўзбек телевидениеси кўрсатувлари асосидаги тадқиқи бўйича олинган натижалар, илмий хулосалар, амалий таклиф ва тавсиялар асосида:

замонавий телевидениеда жиддий ислохотлар амалга ошаётган бир пайтда журналист кадрларнинг ахборий, таҳлилий жанрларда ижод қилишида замонавий жанр ва форматлардан фойдаланиш, диалогик жанрларни жонли эфир амалиётида кучайтириш лозимлиги бўйича тадқиқотнинг амалий қисмида келтирилган илмий натижалар ва хулосалар Ўзбекистон телерадиокомпаниясининг “O'zbekiston tarixi” телеканали таҳририяти фаолиятида кўрсатувлар тайёрлаш сифатини яхшилашда қўлланилди (*“O'zbekiston tarixi” телерадиоканали давлат унитар корхонасининг 2022 йил 30 августдаги 486-23-4427-сон маълумотномаси*). “Mavzu” ва “Aslida qanday?” кўрсатувлари сценарийларини ёзишда тадқиқотда баён қилинган илмий-назарий қарашлардан фойдаланилган;

конвергенция ва рақамлашаётган медиа шароитида диалогик жанрларда ижод қилувчи журналистларнинг янги тенденциялар ва жанрлар тизимидаги ўзгаришларга мослашиш кераклиги, шунингдек, жонли мулоқот, мавзу ва қаҳрамон танловида ўз услубига эга бўлиш каби кўникмаларни шакллантириш бўйича берилган тавсиялардан таҳририятдаги мухбир ва муҳаррирларнинг билим ва кўникмаларини такомиллаштиришда фойдаланилган (*Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг наири – «Ma'rifat» – «Учитель Узбекистана» газетаси таҳририятининг 2021 йил 3 августдаги 108 сонли маълумотномаси*). Натижада, тадқиқот таҳририятдаги журналистларнинг диалогик жанрларда материал тайёрлашида касбий малакаси ошишига хизмат қилган;

хусусий телеканалларнинг веб-сайти, мобил иловаси орқали теледастурлар жадвали, онлайн трансляциялар ва телекўрсатувларни мунтазам жойлаб бориш,

телеконтент яратишда эскича қолиплардан бутунлай воз кечиб, эркин ижодий ёндашувни кучайтириш, сайт ва ижтимоий тармоқлардаги саҳифалари савиясини кучайтиришда, телеканал муаллиф ва муҳаррирларининг билим ва кўникмаларини такомиллаштиришда фойдаланилди (*“Sevimli” хусусий телеканалининг 2021 йил 2 августдаги 105-сон маълумотномаси*). Натижада, тадқиқотда берилган таклифлар асосида телеканалнинг мобил иловаси ва расмий веб сайтидаги контент сифати қайта кўриб чиқилди ва дизайни такомиллаштирилган.

медиаконвергенция жараёнларининг диалогик жанрлар ривожигадаги ўрни, уларнинг модификацион кўринишлари, “лайф-ту тейп”, стрим, реалити шоу, селф-репортаж сингари замонавий жанрлар сифатида шакллангани унда журналистнинг ахборот технологиялардан фойдаланиши, жиддий мавзуларни кўнгилочар форматларда аудиторияга узатиш бўйича олинган натижалар, тадқиқотда илгари сурилган илмий хулосалар, тавсия ва таклифлар Ўзбекистон журналистларни қайта тайёрлаш маркази фаолиятига тадбиқ этилган (*Журналистларни қайта тайёрлаш марказининг 2022 йил 30 августдаги 46-сон маълумотномаси*). Олинган илмий хулосалардан марказ томонидан ташкиллаштирилган семинар-тренинг ва ўқув курсларида фойдаланилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 18 та, жумладан, 8 та халқаро ва 9 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 28 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий Аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 10 та илмий мақола, шундан, 2 та республика ва 8 та хорижий журналларда нашр этилган.

Тадқиқотнинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган бўлиб, умумий ҳажми 148 саҳифадан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланиб, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ҳамда предмети аниқланган. Тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилиб, унинг илмий янгилиги, илмий ва амалий аҳамияти, олинган натижаларнинг ишончлилиги шакллантирилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, апробацияси, эълон қилинганлиги бўйича маълумотлар келтирилган, диссертациянинг тузилиши тавсифланган.

Диссертациянинг **“Диалогик жанрларнинг илмий-назарий асослари”** деб номланган биринчи бобида диалог тушунчаси, унинг талқини, воқелик сифатида жаҳон илм-фанида пайдо бўлиши, журналистикага кириб келиши ва

ривожланиши ўрганилган. Шунингдек, диалог тушунчаси кўринишлари, белгилари, усулларидан тортиб шаклларигача бўлган кетма-кетлиги кўриб чиқилган.

Дастлаб диалог тушунчаси тилда нутқ шакли сифатида намоён бўлган, фикр ва қарашлар алмашинуви тил таркибида у адресант (муаллиф) ва адресат ўртасидаги нутқий фаолиятнинг коммуникатив кўриниши, деб қабул қилинган. Ва айнан фандаги тадқиқотларнинг аксарияти диалогнинг лингвистик хусусиятларини тадқиқ қилишга бағишланган.

Тилшуносликда нутқ жанрлари тизимидаги хилма-хилликни таснифлаш масаласи Е.А.Земская, Т.В. Шмелева, Н.Д. Арутюнова ва В.В. Дементьев томонидан атрофлича ўрганиб чиқилди. Улар диалогик жанрларни турлича таснифлаш билан бирга, диалогни баъзи ҳолларда жанр, баъзи ўринларда эса нутқ шакли, деб тарифлашади: *“Диалогик матн билан танишган киши учун у нутқий жанр. Чунки қабул қилувчи аниқ мақсадни белгилаши ва ёки матн маъносини тўла фарқлай олишга қодир”*⁸.

Сўнгги ўн йилликда диалогизм журналистиканинг асосий хусусиятларидан бирига айланиб, медиаматн кўринишини сезиларли даражада ўзгартириб юборди. “Ҳозирги пайтда диалогизм ҳар қачонгидан кўра ўзгача кўринишда намоён бўлмоқда. Мазкур тушунчанинг моҳияти масаласи анча мунозарали бўлиб, илмий тадқиқотларда журналистик матнларнинг диалогик хусусияти чуқур ўрганилмаган, соҳада коммуникациянинг диалогик модели аниқланмаган, диалогик жанрларнинг ўзига хослиги, интертекстуаллиги таҳлил этилмаган”⁹. Тадқиқотчи муаллиф ва адресат ўртасидаги диалоглар ўрганилган, аммо журналистик матн таркибида кўпроқ жавоб муҳим роль ўйнайди, деган хулосага келади. Бизнингча, диалогизмни ифода этишнинг моҳияти муаллиф ва адресат ўртасида ўзаро таъсир турига ва матнда амалга ошириладиган коммуникатив мақсадни белгилашга боғлиқ. Шундай қилиб, XX асрнинг биринчи ярмида яратилган асарларда диалогни тушунишда иккита ғоя мавжуд эди: биринчидан, диалог монологга нисбатан бирламчи; иккинчидан, диалог бу – тилнинг коммуникатив функциясини тўла амалга оширадиган нутқ шакли.

XX асрда жанрларнинг ўзаро таъсири ва модификациясининг интенсив жараёни содир бўлди ва бу жараён ҳозиргача давом этмоқда. Шу ўринда “модификация” атамасига таъриф бериб кетсак. *Модификация* (лотинча “modification” — ўзгариш), бирор нарсанинг ўзгариши, ўзгартириш, янги хоссаларнинг пайдо бўлиши, деган маънони англатади¹⁰. “Жаҳон журналистикасида жанрлар хусусида янги фикрларнинг пайдо бўлиши табиий ҳодисадир. Чунки янги фикрлар бу тушунчанинг қотиб қолган атама эмаслигини кўрсатади, назарияларнинг ривожланиши баробарида жанр тушунчаси ҳам ўзгариб, ривожланиб, бойиб боради. Қолаверса, ижодкорнинг қайси жанрда

⁸ Месеняшина Л. Диалогический жанр? Вестник Челябинского государственного университета. 2010. № 22 (203). Филология. Искусствоведение. Вып. 46. С. 77-81.

⁹ Дускаева, Л. Р. Диалогичность современных газетных текстов в аспекте речевых жанров. – Пермь: Изд-во Перм. ун-та, 2003. – 380 с.

¹⁰ Популярный энциклопедический словарь. Москва. Научная издательство. «Большая Российская энциклопедия». 2002. –Стр. 828.

ёзиши ўз ихтиёрида. Жанр имкониятларидан келиб чиқиб, улардан унумли фойдаланиш муаллифга боғлиқ.

Журналистикага диалогик жанрлар тўғрисидаги илмий-назарий қарашлар ўз-ўзидан кириб келмаган. Аввал фалсафа, адабиёт, лингвистикада пайдо бўлган бу тушунча кейинчалик публицистикада ҳам аста-секин оммалашган. Хусусан, тилшуносликда диалогик жанрлар тушунчасига яқин “нутқ жанрлари” деган атама учрайди. Ўз вақтида М.М. Бахтин ҳам ушбу атамани тўла-тўқис тушунтириб бера олмаган. У "Нутқ жанрлари муаммоси" номли хрестоматик асарида "барқарор жанр шакллари", "оғзаки нутқ алоқаси жанрлари", "салон суҳбатлари"¹¹ ва бошқаларни мисол қилиб келтиради. Бахтиндан кейин “нутқ жанрлари” тўғрисидаги назарий қарашлар Н.Д. Арутюнова, С. Е. Данилов, Л. Н. Дякова ва И. А. Стернин, Н. Н. Панченко, Я.Т. Рейтникова, К.Ф. Седова, В.В. Фенина, Г.Г. Ҳисамова сингари тилшунослар ишларида учрайди.

Диалогик жанрларнинг пайдо бўлишига собиқ иттифоқдаги сиёсий ўзгаришлар туртки берган. Газеталар ҳукмрон мафкура тарғибот ва ташвиқотга хизмат қилган жанрлар орқали (мақола, портрет очерки каби) жамоатчиликка илғор меҳнаткашлар ҳақидаги мақолаларни бериш билан чекланарди. Бу эса, журналистикада фақат *монологик жанрлар тизими* шаклланишига хизмат қилди, холос. *XX асрнинг 90-йилларига келиб* ягона мафкура плюрализм ғоялари билан алмашди (*1-расмга қаранг*).



1-расм.

Диалогик жанрларнинг келиб чиқишига туртки берган омиллар

Шу боис, журналистикадаги жанрлар тизимида *монологик жанрлар* ўрнини даврнинг долзарб муаммолари муҳокамасига қаратилган *интервью, суҳбат, сўровнома, “қайноқ қўнғироқлар”, мунозара* каби *диалогик жанрлар* эгаллай бошлади¹². Жанрлар тизимидаги трансформация жараёнлари журналистларнинг

¹¹ См.: Бахтин, М. М. Проблема речевых жанров // Бахтин, М. М. Эстетика словесного творчества. М.: Искусство, 1986. С. 270.

¹² Ким. М.Н, Пак. Е.М. Жанры печатных и электронных СМИ. Учебник для вузов. – С. 11.

ижодий фаолиятига ҳам таъсир этмай қолмади. Керакли ахборотни топиб уни тезлик билан нашрга тайёрлаб беришда кучли рақобат муҳити юзага келган бир шароитда журналистлар кўпроқ ахборий жанрларга мурожаат қила бошлади.

Айтиш жоизки, диалогик жанрларнинг оғзаки ва ёзма нутқда монолог, диалог ва полилогдан фойдаланилади. Булар орасида диалог шаклининг ўзига хос ўрни бор. Боиси, XX аср публицистикаси диалогни оғзаки матн тузишнинг энг муҳим усуллари билан бирига айлантирган эди. Шунингдек, электрон оммавий ахборот воситалари (радио, телевидение)нинг ривожланиши билан жанр birlikларининг диалогик қурилиши янада кенгайди.

Сўнгги йилларда телевидение амалиётида диалоглашув усулидан кенг фойдаланилмоқда. Кўрсатувлар жонли, таъсирли чиқиши учун ахборот дастурларидан тортиб, репортаж, ижтимоий-сиёсий, кўнгилочар дастурлар, ток-шоулар ҳам интерактив мулоқотлар тарзида олиб борилмоқда. Демак, ўрганишларимизга асосланиб диалог ҳодисасининг ривожланиш босқичлари *нутқ, матн, унсур, усул* ҳамда *жанр* сифатида намоён бўлганини кўриш мумкин. Унинг ривожланиш иерархияси қуйидаги кўринишда акс этади. (“2-расмга қаранг”)



2-расм. Диалогнинг ривожланиш иерархияси

Рақамлашган замонавий оммавий ахборот воситалари фаолиятида ҳозирги шароитда диалогик муҳит кенг кўламда намоён бўлаётир. Эндиликда даврий нашрлар, телеканал кўрсатувлари, радио эшиттиришларни “*диалогик жанрлар (интервью, суҳбат, дискуссия, сўровнома, долзарб мавзулар бўйича расмий муҳокамалар)сиз тасаввур қилиш қийинлашиб бормоқда*”¹³.

Диалогик жанрларга интервью, диалог, суҳбат (полилог) киради. Уларнинг умумий мақсади ва ўзига хос тасвирлаш предмети мавжуд: бу жанрлар ёрдамида журналистлар нафақат воқеалар ҳақида, балки улар ҳақида одамларнинг фикрларини ҳам берадилар¹⁴.

¹³ Зиновьев И.В. Диалогизм М.М.Бахтина и современная теория журналистики. Уральский федеральный университет. Журналистика и массовая коммуникация. 2012. –С. 25.

¹⁴ Гуревич. Газета, вчера, сегодня, завтра. Учебное пособие для вузов. М.: Аспект Пресс, 2004. – С. 202-206.

Интервью жанрига хос бўлган томонларнинг иштироки, ахборот ва фикр алмашишдан ташқари яна қандай функцияларни бажаради деган саволга аниқ жавоб тариқасида диалогик жанрларга хос бўлган хусусиятларни қуйидагича таснифладик (“3-расмга қаранг”):



3 - расм. Диалогик жанрлар гуруҳига хос хусусиятлар

Шундан келиб чиқиб диалогик жанрларга қуйидагича таъриф берамиз: *содир бўлган долзарб ижтимоий воқеликни икки ёки ундан ортиқ кишининг (қаҳрамон, респондент) иштироки, савол-жавоби, мунозараси, фикр-мулоҳазаси асосида ёритишига диалогик жанрлар деб айтилади.* Олимларнинг юқорида келтирилган назарий қарашларига таяниб ва ўрганаётган объектимиздан мавжуд ҳодисаларни тахмин қилиш асносида диалогик жанрлар туркумини *интервью, суҳбат, ток-шоу, теледебатга* ажратдик.

Ҳозирги шароитда журналистлар шунингдек, ахборот истеъмолчиларининг тезкор ахборотга эҳтиёжи интервью турларининг ривожланишига сабаб бўлди. Журналистика амалиётида интервьюнинг *интервью лавҳа, виртуал интервью ҳамда иллюстратив* турлари ҳам пайдо бўлган. Айнан шу турларда жанрларнинг ўзаро таъсири, модификациясини кузатиш мумкин.

Масалан, *интервью – лавҳада* муаллиф респондентдан олган маълумот ва суҳбатдошининг фикри билан чекланиб қолмайди, балки унинг ҳаёти, феъл-атвори, ютуқлари акс этган хотираларидан жонли лавҳаларни келтиради. Интервью жанрида *репортаж* унсурларининг намоён бўлишида ҳам унинг мослашувчан жанр эканини кузатиш мумкин.

Виртуал интервью замонавий шахсий экран воситалари узоқ масофадан туриб ҳам сунъий йўлдош орқали журналист билан алоқа ўрнатиши, маълумот бериш имконини туғдирди. Бу эса ахборот олишининг янги замонавий усули пайдо бўлганини кўрсатади.

Иллюстратив интервьюда мультимедиа, инфографика, подкаст форматида фойдаланувчилар ўзларига керакли ахборотни ўз қўли билан чизган иллюстрациялар

(расмлар) ёрдамида ҳаётий воқеаларни баён этиши мумкин. *Иллюстрацияли интервью* лойиҳаси 2017 йил “Нью-Йорк Таймс”¹⁵ газетаси социологлари томонидан ишлаб чиқилган.

Телевидениенинг 2016 йилдан кейинги фаолиятига назар ташласак, телеэфир сиёсатига эркинлик берилганига гувоҳ бўламиз. Сиёсий мунозара, сиёсий ток-шоу, хорижий экспертлар билан интервью каби жанрларга кенг йўл очилди. Бугун ўзбек телевидениеси ҳам мамлакатни демократлаштиришда фаол. “*Xalqaro press klub*”, “*Munozara klubi*”, “*Munosabat*”, “*Demokratik debat*” каби ижтимоий-сиёсий мавзулар кенг муҳокама қилинаётган томошабинларни ижтимоий жараёнларнинг фаол иштирокчисига айлантираётган кўрсатувлар кўпайди.

Диссертациянинг иккинчи боби «**Замонавий телевиденида диалогик жанр турлари, форматлари ва уларнинг ўзига хослиги**» деб номланиб, миллий каналларда диалогик жанрлар таснифланган, мисоллар таҳлил қилинган. Шунингдек, мазкур бобда конвергенция жараёнларининг диалогик жанрлар ривождаги ўрни, жанрлар модификациясининг формат ва контентга таъсир масалалари ўрганилган.

Кузатув ва таҳлиллар натижасида диалогик жанрларнинг ҳаммаси ТВ амалиётида тўлиқ намоён бўлиши ва мулоқотнинг умумий қонуниятларига бўйсунishi аниқланди. Шунингдек, диалогик жанрлар туркуми ўзи жонли, ҳаракатдаги жанрлар гуруҳини ташкил этса-да, жанрлар ичида янги талқинлар мавжудлиги (*портрет-интервью, интервью-эссе, монолог-эссе*) бу уларнинг даврга хос тарзда ривожланиб бораётганидан далолат беради.

Телевизион журналистика жанрлар тизимидаги модификация жараёнларига интернетнинг тез суратлар билан ривожланиши ҳам таъсир кўрсатди. Технологик тараққиёт, ижодий экспериментлар ахборот узатишда янги жанр, усул ва воситаларнинг пайдо бўлишига олиб келди. Эндиликда анъанавий теледастурлар мобил телефон воситасида тасвирга олинган видеоконтентдан фойдаланмоқда. Журналистлар ҳам мобил телефон орқали ўз материалларини суратга олмоқда. Шунингдек, замонавий телевидение ижодкорлари монтажнинг **клипли монтаж** усулидан фойдалана бошлаганини эътироф этиш жоиз. Клипли монтаж бу монтажнинг шундай турики, унда видео эффектлар ёрдамида воқеаларни максимал даражада томошабоп қилишга эътибор берилади.

Ҳар қандай жанрда одамларнинг қандай яшаётганини ҳикоя қилиш қизиқарли сюжетга асос бўлган. Журналистлар тажриба ўтказишдан, муаллифлик позициясини очиқ ифодалашдан, ўз аудиториясини яратишдан чўчимаяптилар. Биз таклиф этаётган схемадаги интервью туркумининг қуйидаги жанр модели муҳим роль ўйнайди: Жумладан, интервью-очеркнинг шакли интервью-монологга ўхшаб кетади. Юқорида таъкидланганидек, саволлар яширин тарзда берилади ва бу ўқувчиларга қаҳрамонни "ичкаридан" кўриш имконини туғдиради. *Интервью – очерк*да, асосан, монологик жанр хусусияти – ягона қаҳрамоннинг фикри, ҳикояси, воқеаларга муносабати етакчилик қилади¹⁶.

¹⁵Hughes, Helen M. 1981. News and the Human Interest Story (Reprint, originally published by University of Chicago Press in 1940.). New Brunswick, NJ: Transaction Publishers.

¹⁶ Виноградский В., Куницына Н. Конвергентные жанры в современной периодике. Theoretical and Practical Issues of Journalism, 2016, vol. 5, no. 3, pp. 370–381.

Бунга “Sevimli” телеканални орқали эфирга узатиладиган “O’zim” муаллифлик лойиҳасини мисол сифатида келтириш мумкин. Назариётчилар ушбу теледастур анъанавий *интервью-монолог* жанрида эфирга узатилади, деган фикрни билдиради. Аммо, бизнинг назаримизда, у *интервью-очерк* форматида тайёрланади. Кўрсатув муаллифи-журналист Ойбек Алиев. “O’zim” кўрсатувида ижодкорлар қаҳрамоннинг ўзини гапиртиради. Аслида жараён кадр ортида диалог шаклида кетади.

Интервью-очерк ҳам шаклан *интервью-монологга* ўхшайди. Бу ерда муаллиф “мен”и ўзига хос ўрин тутади. Интервью-очерк монолог ва учинчи шахс бирликда (у) қаҳрамон ҳақида ҳикоя қилишдек жанр хусусиятини мужассамлаштиради. Шундай қилиб, монологизм ва сўзлашув тенденцияси туфайли жанр *модификацияланади* ва *интервью-очерк* формати ҳосил бўлади.

Телевидение ривожланар экан, унинг вазифалари кенгайиб, аҳамияти ҳам ошиб бораверади, форматлар ўзгариб, янгиланаверади. Мисол учун, *кўнгилочар хусусиятларни ўзида ифодалаган форматлар кейинги йилларда кенг оммалашмоқда*. Бу замонавий форматлар – **инфотейнмент, эдьютейнмент ва технотейнмент**дир. Мазкур форматлар телеасарни томошабин учун қизиқарли тарзда етказишга хизмат қилади.

Таҳлилларимиздан аён бўлишича, замонавий телевидение жанрлар тизимида жиддий ўзгаришлар содир бўлмоқда. Бу, бир томондан, янги жанр бирликларининг пайдо бўлишида кўринса, бошқа томондан маълум бир қадриятлар тизимининг шаклланиши билан боғлиқ. Булар: **трансляция динамикаси** (*оғзаки нутқнинг бой ифодавий имкониятлари*); **репортажчилик** (*“иштирок эффекти”, ишонччилик, асарнинг ҳужжатчилиги*); **образчилик** (*тасвир*).¹⁷ Мазкур 3 та хусусият журналист касбий фаолиятини сезиларли даражада ўзгартирди.

Хориж тажрибасининг кўрсатишича, жаҳондаги машҳур медиаконцернлар жонли эфир, замонавий жанр ва форматлар, сифатли тасвирлардан самарали фойдаланади. Йирик телеканаллар ахборотни, аудио ёки видео контентга қўшимча равишда, визуал медиа, анъанавий матн, инфографика, диаграмма, интерактив харита (сторимеп), сторителлинг, лонгрид форматида сайтга жойлаштирмоқда. Хорижлик тележурналистлар анъанавий ва онлайн нашр учун бирдек меҳнат қилиб, телеканал веб-саҳифасида рақамли технологиялардан самарали фойдаланмоқда. Шу орқали фойдаланувчиларга ахборотни батафсил етказиб беришаётир.

Хусусан, Fox.news улкан аудиторияни қамраб олган бўлиб, аудиторияси тахминан 94 миллион кишини ташкил қилади. Телеканал дастурларини Австралия, Канада, Америка ҳудудига 24 соат давомида трансляция қилади. www.fox.news.com сайтида янгиликлар ва теледастурларнинг онлайн трансляцияси, “no comment” рукнида эса, жаҳонда содир бўлаётган сиёсий воқеаларга шарҳлар, экспертлар билан эксклюзив интервьюлар бериб борилади.

Машҳур телеканаллардан яна бири Deutsche Wellени интернет тармоғида www.dw.com¹⁸ сайти орқали кузатиш мумкин. Сайтда турли жанр ва форматдаги теледастурлар мавжуд бўлиб, улардан энг эътиборга лойиғи янгиликларнинг тўғридан-тўғри эфирда трансляция қилинишидир. DW мобил иловаси

¹⁷Шестеркина Л.П. Современные подходы к формированию структуры жанров телерадиожурналистики / Л.П. Шестеркина — URL:<http://www.ipk.ru/index.php?id=2115>

¹⁸<https://www.dw.com/en/top-stories/s-9097>

фойдаланувчининг хоҳишига кўра онлайн контентни таклиф қилади. Онлайн платформада “TV livestream” (“ТВ тўғридан-тўғри эфирда”)¹⁹ бўлимида дунё янгиликларининг энг муҳим воқеалар ривожини жонли эфир орқали кузатиш имконияти яратилган.

Афсуски, бу борада миллий телеканалларимиз анча орқада. Давлат телеканалларини Telegram ижтимоий тармоғида mtrk.uz расмий каналининг атиги 8216 нафар обуначиси бор. YouTubeда эса мазкур кўрсаткич 1 миллионни ташкил қилади. Уларнинг аксарияти фақат “O’zbekiston 24” телеканали контенти. Тўғри, яқинда давлат телеканалларининг www.uztv.uz мобил иловаси ишга тушди.

